



milliy tiklanish

Ақсод — 5 063

www.mtgazeta.uz fb.com/milliytiklanish.gazetas



МУНОСАБАТ

DARYO.UZ ХАТО ҚИЛДИМИ ЁКИ ВАЗИРЛИК?

4с

ФАРҒОНА: шукронали ҳаёт симфонияси

5с



«Нотинч оиладаги бола маълум муддат давлат қарамоғига олиниши керак»

2с



КАТТА ЗУРАВОНЛИКНИНГ КИЧИК КУРБОНЛАРИ

2023 йилда 14620 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, жорий йилнинг 6 ойида бу кўрсаткич 16594 тани ташкил қилди. Ўтган йили эса жиноятлар сони 809 тага етди. Шундан 439 таси, яъни 54 фоизи томонларнинг ўзаро ярашгани муносабати билан тугатилган.

Шубҳасиз, оила ҳар қандай жамиятнинг асоси. Айниқса, ўзбек халқи учун оила муқаддас қадриятга айланган. Чунки оила мустақам ва тинч бўлса, жамият ҳам осойишта ва фаровон бўлади.

Баркамол авлодни шакллантириш, ҳаётга тайёрлаш, эзуликка йўналтириш ҳам оиланинг муқаддас вазифаси ҳисобланади. Шу боис, кейинги йилларда оилаларни мустақамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, тadbirkorлик кўникмаларини шакллантириш ва албатта, гендер

тенгликка эришиш устувор масалага айланган. Бирок ана шундай ўзгаришларга қарамай, оилаларда маиший зўравонликлар сони ошиб борапти: 2023 йилда 14620 нафар шахс зўравон сифатида маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, жорий йилнинг 6 ойида бу кўрсаткич 16594 тани ташкил қилди. Ўтган йили

эса жиноятлар сони 809 тага етди. Шундан 439 таси, яъни 54 фоизи томонларнинг ўзаро ярашгани муносабати билан тугатилган. Аммо бундай жиноятларнинг қарийб ярмидан кўпи суриштирув ва дастлабки тергов давомида яраштирилса-да, айрим шахслар тегишли хулоса чиқармасдан, ўз қилмишларини яна давом

этирмоқдалар. Энг ёмони, сўнги йилларда оилавий зўравонликка нафақат катталар, балки болалар ҳам дучор бўлаётир. Яъни, мавжуд ҳуқуқий механизмлар болаларнинг жабрланиши олдини олиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оқизлик қияпти.

Давоми 2-саҳифада



«Таълим ҳамма нарсдан устун» жамғармасининг Ўзбекистонга эътибори

Жорий йил 20 июль куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаоллигини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида юртимизда техника йўналишида ўқитиш самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот жараёнини илгор тажриба асосида тубдан ўзгартириш, соҳани ривожлантириш учун янги ташаббусларни илгари суриш зарурлиги таъкидланган эди. Айни вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Каттардаги элчимиз Ашраф Ходжаев Доха илм-фан ва технология университетига таширф буюриб, жамоа раҳбари, доктор Салим Ан-Наимий билан учрашди. Мулоқот давомида академик ҳамкорлик, талабалар, профессор-ўқитувчилар алмашишуви, кўнима тадқиқот лойиҳалари, хусусан, IT ва нефть-газ муҳандислиги бўйича ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Юртимизда Доха фан ва технология университети дастурлари асосида касб-хунар таълими ва тренинг ташкил қилиш имконияти кўриб чиқилди. А.Ходжаев «Таълим ҳамма нарсдан устун» жамғармаси бош ижроочи директори Фаҳод Ас-Сулайтий билан ҳам учрашди. – Ас-Сулайтий билан ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлини муҳокама қилдик, – деди дипломат. – У таълим соҳасидаги устувор лойиҳаларимизга конструктив муносабат билдириб, қўллаб-қувватлади.

Мухаррама ПИРМАТОВА, ЎзА

«MILLIY TIKLANISH»



АНОНСЛАР

ХАЛҚАРО ФОРУМНИ «MILLIY TIKLANISH» БОШЛАБ БЕРДИ...



НОХОЛИС

Бундан 7 йилча аввал тухмаг ва бўхтонлардан иборат, лисон шаъни, кадр-қиммати оёқ ости қилинган, ҳақиқат таҳқирланган бир ховуч қозғолардан иборат «дело»ни қўлимизга олдик... Тошкент УГБ НКВДнинг 3-бўлими 1937 йил 4 август санаси билан М.Турсунхўжаевни УзССР ЖКнинг 58-, 67-моддалари билан айбалаб, қамокка олишга қарор қилади.

23

САВОЛГА

– Айтингчи, ёшларнинг эмин-эркин фаоллиги юртишига тўсиқ бўлаётган асосий омиллар нималардан иборат?

ЖАВОБ!

3-саҳифа

НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛГАН БЕКАТ

БУЗИЛАДИ...МИ?

4с

ВАТАНГА «VATAN»

МУБОРАК БЎЛСИН!

6с

32

Биринчи бор у 14 ёшли болави диабетни қон ҳолатидан қутқариб қолди. Уша вақтлар касаллар сони геометрик прогрессия шаклида ўсиб борапти... 1923 йил

6 саҳифа



Шерзод Тўхтасhev: Табибларнинг ноқонуний даволаш усулларидан фойдаланганини аниқлаш билан қайси идора шугулланади? Чунки шифокорларнинг беморни нотўғри даволаб қўйганини аниқлаш бўйича суд тиббий экспертиза маркази ҳулосаси олинади. Ҳўш, табибларнинг ноқонуний ҳаракати қандай аниқланади, уларга ким ҳулоса беради?

(Бошланиши 1-саҳифада)

КАТТА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ КИЧИК ҚУРБОНЛАРИ



Маълумотларга қараганда, кейинги уч йилда 2072 нафар шахс судлар томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Бундай зўравонлик оқибатида болаларга нисбатан 2021-2023 йилларда 737 ҳолатда турли даражада тан жароҳати етказилган бўлса, жорий йилнинг беш ойида бу кўрсаткич 105 ташиқил қилди. Тўғри, амалдаги нормада эр-хотин ёки онлада бирга яшовчи бошқа шахсларга нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик қилганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Аммо бу ҳаракатларини болага нисбатан содир этганда жавобгарлик белгиланмаган. Бу эса болаларга нисбатан содир этилган қилмишларнинг мантиқан нотўғри малакаланишига сабаб бўляпти.

«Оилавий (маиший) зўравонликлардан химоялаш чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси айнан ушбу масалаларга ечим сифатида ишлаб чиқилган бўлиб, лойиҳа партия фракция йиғилишида кизгин муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59-моддаси ва Жиноят кодексининг 126-моддасини болага нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик қилганлик учун жавобгарлик билан тўлдириш ҳамда оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишлари юзасидан ярашув тўғрисидаги ариза-ни суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида эмас, суд муҳокамаси пайтида бериш тартиби жорий қилинмоқда. Яъни, оилавий (маиший) зўравонлик бўйича жиноят ишлари юзасидан ярашув тўғрисидаги ариза фақат ишни судда қўриш жараёнида, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришдан олдин берилиши белгиланмоқда. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши оилавий зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишларини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона

қўриб чиқилишига, тазйик ва зўравонлик содир этган шахснинг ҳулқиға кўрсатиладиган ижобий таъсирининг кучи янада ортишига, болалар ва хотин-қизларнинг тазйик ва зўравонликка учрашини олдини олиш чоралари самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни, хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқор индексларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилашга ҳам ёрдам беради.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров ушбу қонун лойиҳаси ўта долзарблигини, амалдаги нормалар эса оилавий зўравонликларни ҳал қилишга оқимлик қилаётганини таъкидлади. Айниқса, бундан бегуноҳ болалар азият чекаётганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Тўғри, тахқирланган айрим аёлларимиз яна оиласига қайтишга мажбур бўлмоқда. Улар орасида яхши яшаб кетаётганлари ҳам кўп. Лекин мунтазам зўравонликка учраб келаётган болалар тақдирини нима бўлади? Ахир онлада тахқирланган бола ўзини химоя қилолмайди-ку, ариза билан тегишли идорага мурожаат қилишга ҳам оқим. Қачонки яраланиб, қандайдир воқеа юз берганидан кейингина бундан хабардор бўлялмиз. Унғача болаларнинг бўлари бўлади-ку.

Энг ёмони, айрим оилаларнинг қийин шароитга тушиб қилишида болалар балоғардон қилинапти. Оиласида қичқилган мунтазам тахқирланган бола эртага жиноят қўчасига кирмаслигига ким қафолат беради. Бугун қотиллик ва ваҳшийликларни содир этаётган 17-18 ёшли болалар ана шундай оилаларда тарбия топганлар эмасми?

Алишер Қодиров ушбу фикрларни қайд этаркан, ана шундай нотинч оилалардан болаларни маълум муддатга давлат қарамогига олиб қўйишни таклиф этди.

Депутатлар муаммонинг ўта долзарб эканидан қелиб чиқиб, қонун лойиҳасини биринчи ўқишда бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

“ БУГУН ЎЗИНИ ТАБИБ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИБ, ҲАР ҚАНДАЙ ДАРДНИ ДАВОЛАШНИ ИДДАО ҚИЛАЁТГАН «ТАБИБ»ЛАР ШУНЧАЛАР КЎПАЙИБ КЕТДИКИ, МАЪЛУМ БИР ВАҚТ ЎТИБ УЛАРНИНГ ФИРИБГАРЛИГИ ҲАМ ОШКОР БЎЛИБ ҚОЛЯПТИ.

Бўстонликда бир табиб беморларни оғзига тупуриб даволаётган эмиш. Фарғонада эса бошқа бир табиб одамларни «жинлар билан гаплаштириб» даволашни бошлабди. Яна бир манбада Навоийда бепушт аёллар суюқлик ичиб дардига шифо топаётгани хабар қилинапти. Андижонда ҳам ноёб қобилиятли бир табиб беморларга хандон писта орқали шифо улашаётган эмиш...

Тан олайлик: кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларни кутуртираётган бундай хабарлардан ажабланмай ҳам қўйдик. Бугун ўзини табиб деб эълон қилиб, ҳар қандай дардини даволашни иддао қилаётган «табиб»лар шунчалар кўпайиб кетдики, маълум бир вақт ўтиб уларнинг фирибгарлиги ҳам ошқор бўлиб қоляпти.

Маълумки, замонавий тиббиёт илмий асосланган ва клиник амалиётда ўз тасдиғини топган натижаларга, халқ табобати эса узок йиллик кузатув, синов ва тажрибаларга таянади. Аммо сохта табибларнинг кечаги кунини суриштирсангиз бири чўпон, бир тўйларда отачи, яна бирлари тракторчилик қилгани маълум бўлади.

Йиғилишда айрим фуқароларимизнинг соддалиги, тиббий билимини етарли даражада бўлмаганидан фойдаланиб, уларни ҳув тушираётган сохта табиблар пайини қирқишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Маълумки, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунга қўра, амалиётда фақат қонунчиликда белгиланган тартибда қўлланишга руҳсат этилган профилактика, ташхис қўйиш ва даволаш усуллари, тиббиёт технологиялар ва дори воситаларидан фойдаланилади. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, айрим шахслар бойлик орттириш мақсадида руҳсат этилмаган усуллари, шу жумладан халқ табобати алоқадор бўлмаган усуллари қўлланган ҳолда касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш билан шугулланапти. Бу йўлда ҳатто инсонларнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф туғдиришяпти.

Афуски, қонунчиликда бундай ҳолатларга жавобгарлик белгиланмагани сабаб сохта табиблар сони кўпайиб борапти. Ушбу қонун лойиҳаси билан эса энди руҳсат этилмаган усуллари, шу жумладан, халқ табобати алоқадор бўлмаган усуллари қўлланган ҳолда касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, хизматларини тарғиб қилиш, башарти жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, БҲМнинг 10 бараваридан 20 бараваригача миқдорда жарима солинига сабаб бўлади.

Ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик бир йил давомида такроран содир этилса, жарима миқдори 30 бараваригача ошади ёки 15 суткагача маъмурий қамокка олишга сабаб бўлади.

Маълумки, бундай шахслар ўз хизматларини Интернет, ижтимоий тармоқлар ёки айрим ОАВ орқали ҳеч қандай чекловларсиз реклама қилишяпти. Ваҳоланки, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ белгиланган тартибда текширув синовларидан ўтмаган профилактика, ташхис қўйиш, даволаш усуллари ва дори воситаларини тарғиб қилиш,

бунда ОАВдан фойдаланиш тақиқланган.

Шу муносабат билан ташаббускорлар 2022 йил 7 июнда қабул қилинган «Реклама тўғрисида»ги қонунга ҳам тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни таклиф қилишяпти. Яъни, қонун халқ табобати алоқадор бўлмаган усуллари қўлланган ҳолда касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини реклама қилишни тақиқловчи норма билан тўлдирилмоқда.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров қонун лойиҳасига муносабат билдириб, ушбу масала кун тартибидан энг муҳим масала сифатида бежиз белгиланмагани, чунки халқ табобатини қўллаб-қувватлаш партияимизнинг Сайловолди дастуридаги энг муҳим масала ҳисобланишини таъкидлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳужжатларида халқ табобати йўли билан даволаш усуллари белгилаб қўйилган ва улар ҳақиқатан ҳам фойда келтиряпти. Лекин оғзига тупуриб даволаш, жинлар билан гаплашиш каби ҳолатлар халқимизнинг минг йиллик бойлиғи ҳисобланган халқ табобати шаънига доғ туширишдан бошқа нарса эмас, — деди Алишер Қодиров.

Муҳокамалар чоғида депутат Шерзод Тўхтасhev табибларнинг ноқонуний даволаш усулларидан фойдаланганини аниқлаш билан қайси идора шугулланиши тўғрисидаги масалани кўтарди. Чунки шифокорларнинг беморни нотўғри даволаб қўйганини аниқлаш бўйича суд тиббий экспертиза маркази ҳулосаси олинади. Ҳўш, табибларнинг ноқонуний ҳаракати қандай аниқланади, уларга ким ҳулоса беради? Қонун ташаббускорларининг фикрича, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурда халқ табобати билан шугулланувчи алоҳида ваколатли бўлим бўлиб, усул тўғри қўлланган-қўлланилмагани бўйича айнан шу идоранинг ҳулосаси олинishi керак.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш»
муҳбири

✓ Кутинг!



ТОМОШАБИЊЛИК ФЕНОМЕНИ

ЁКИ АҲМАДЖОН МЕЛИБОВЕ СИЊГАРИ УСТОЗ ЖУРНАЛИСТЛАР ФИКРИГА ҚУЛОҚ ОСМАЁТГАН АЙРИМ «ТЎРА»ЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА

Келгун сонларда

✓ Партия лойиҳалари

<p>VAZIFA</p> <p>SAYLOVOLDI DASTURI</p> <p>NATIJA</p> <p>FAOLIYATI</p>	<p>VAZIFA</p> <p>SAYLOVOLDI DASTURI</p> <p>NATIJA</p> <p>FAOLIYATI</p>	<p>VAZIFA</p> <p>SAYLOVOLDI DASTURI</p> <p>NATIJA</p> <p>FAOLIYATI</p>
--	--	--

ХАЛҚАРО ФОРУМНИ «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» БОШЛАБ БЕРДИ...



INTERNATIONAL ADVISOR, INTERNATIONAL CONSERVATION CAUCUS FOUNDATION GROUP BY NINJIN AVIR



Партиянинг «Ёшлар каноти» ташаббуси билан «Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда миллий ва халқаро тажриба» мавзусида I Халқаро форум бўлиб ўтди.

Онлайн тарзда ўтган тадбирда Туркия, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Малайзия, Эрон, Беларус, Камбоджа, Озарбайжон, Козогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон каби 15 дан ортик давлатларнинг сиёсий партиялари «Ёшлар каноти» вакиллари ҳамда парламент аъзолари иштирок этдилар. Ўзбекистон томонидан эса партиянинг «Ёшлар каноти» ва Ёшлар парламенти аъзолари, шунингдек, Ёшлар ишлари агентлиги, ШХТ халқ дипломатияси маркази, «Билим қарвони» ташкилоти, «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиантлари ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари қатнашдилар. Форумни партия Марказий

кенгаши раиси Алишер Қодиров очиб, Ёшлар масаласи ҳар доим долзарб бўлиб келганини, айниқса, бугунги мураккаб ва тезкор сиёсий ўзгаришлар даврида илк бор ўтказилаётган бундай форум тарихий аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Катта сиёсат ўз йўлига, лекин ёшлар дунёни кутқаришга ҳаракат қилмаса, глобал муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклиф ва ташаббусларни илгари сурмасе, ижтимоий-сиёсий фаол бўлмасе, айрим давлатлар ўртасида йўқалаётган ўзаро ишонч, узилаётган дўстлик ришталарини қайта тиклаш ҳақида гапириш бефойда. Ҳар қандай давлат ўз кадриятларига таянган ҳолда

тараккий этиши лозим ва бу гоё «Миллий тикланиш» демократик партиясининг бош мақсади ҳисобланади. Миллий кадриятларимизни асраш орқали эса биз ёшларимизни асраймиз, фаровон келажагимизни яратамиз, – деди Алишер Қодиров. Форумда партиянинг «Ёшлар каноти» фаолияти ҳақида маълумот бериларкан, бугун партия аъзолари таркибида ёшларнинг улуши 51 фоизни, партия бошқарувида бу кўрсаткич 48 фоизни ташкил этаётгани қайд этилди. Шу даврга қадар юздан зиёд ёшлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентида қонун ижодкорлиги жараёнларида ўз билим ва

салоҳиятларини муваффақиятли синовдан ўтказдилар ва бу жараён кизгин давом этмоқда. Форумни жорий йилнинг бошида Осиё сиёсий партияларининг халқаро конференцияси ҳамда Мўғулистон Халқ партияси мезбонлигида юқори савияда ўтказилган анжуман доирасида сиёсий партияларнинг Ёшлар каноти билан олиб борилган музокараларнинг амалий натижаси дейиш мумкин, – деди партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджанова. Форумда иштирокчилар ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича миллий ва халқаро тажрибалар юзасидан

ўзаро фикр алмашиб, ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини таҳлил қилдилар. Ёшлар орасида сиёсий мунозара ва мулоқот маданиятини шакллантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий таҳлил ва замонавий технологиялар соҳасидаги билимларини мустаҳкамлаш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ёш сиёсатчиларнинг янги авлодини тарбиялаш ва бундай ёшларни рағбатлантириш, яқунда эса бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклиф ва ташаббусларни илгари сурдилар.

Ҳамдам НИЁЗОВ, партия Марказий кенгаши бўлим бошлиғи

– Айтинчи, ёшларнинг эмин-эркин фаолият юритишига тўсиқ бўлаётган асосий омиллар нималардан иборат?

– Аини дамда 110 минг ўғил-қизларимиз чет элда таҳсил олишга кўчган экан. Нима деб ўйлайсиз, ушбу ёшларнинг неча фоизи қайтиб келмаслиги мумкин?



Мухлиса Эргашева, Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи:
– Назаримда, асосий тўсиқ, бу сифатсиз таълим, иккинчи масала, моддият. Бугун кўпчилик ёшлар учун таълим олиш ва диплом масаласи актуал бўлмай қолди. Учинчи омил эса бу олий таълимни тугаллаб, ўз мутахассислиги бўйича иш тополмаётгани, деб қарайман. Шунинг учун ҳам юртимизда номутахассис кадрлар сони ошиб кетаяпти.

– ЮНЕСКОнинг 2021 йилги таҳлилларига кўра, Ўзбекистон чет элда таълим олаётган ёшлари бўйича дунёда 5 уринини эгаллаган эди. Бу яхши кўрсаткич, албатта. Лекин улар ўз ватанига қайтишадими, деган савол ҳам бор. Бу биргина Ўзбекистоннинг муаммоси эмас, аксарият ривожланаётган давлатларнинг ҳам муаммоси ҳисобланади. «РИА Новости» хабарига талабаларнинг 92 фоизи ўз юртига қайтмаслиги ҳақида ахборот берилган...



Иброҳим Жўрабоев, Мафкуравий ишлар, партиянинг дастурий кўрсатмаларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи:

– Бугунги ёшларнинг таълими, тарбияси ва ўзини рўёбга чиқариш имкониятлари жамият ривожланишининг истикболини белгилайди, албатта. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўсиши ва ривожланиши учун шароит яратиш эса миллатнинг барқарор ва раванк топган келажаги гарови саналади. Ёшлар ўртасидаги ишсизлик бугун бирламчи муаммо бўлиб қолмоқда. Яъни, аини дамда иш топиш ва ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш чақирувга айланиб қолмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш учун эса замонавий касбий таълим ва қайта тайёрлаш дастурларини ривожлантириш керак. Шунингдек, янги ишга жойлашиш имкониятларини оширадиган ахборот технологиялари секторини фаол ривожлантиришда давом эттириши мумкин. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш кўпроқ иш ўринларини яратишга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида иқтисодий ўсиш ва барқарорликка ҳам ҳисса қўшади.

– Ҳозир 110 мингга яқин тенгқурларимизнинг чет элда ўқиётгани уларнинг таълим ва келажақ истикболини излаётганини аниқлатади. Бу муаммони ҳал қилиш учун таълим тизимини модернизация қилишимиз, замонавий технологиялар ва ўқитиш методларини жорий этиб, малакали ўқитувчиларни жалб қилишимиз керак бўлади.

Албатта, чет элда ўқишнинг афзалликлари кўп. Бу ёшларга тажриба олиш, илғор ўқитиш методлари ва янги технологиялар билан танишиш имконини беради. Ушбу битирувчилар ўз билим ва тажрибаларини мамлакатимизда самарали қўллашлари учун шароит яратиш мумкин, бу эса умумий тараккиёт ва фаровонликка ҳисса қўшади.

Бу контекста қизиқ савол туғилади – чет элда ўқиётган ёш ўзбекистонликларнинг қайси қисми уйига қайтиши мумкин. Масалан, АҚШда халқаро талабаларнинг тахминан 25 фоизи



Ўқишни тугатгандан сўнг ўз мамлакатига қайтишар экан. АҚШда ўқиётган фан докторларининг 73,7 фоизи диплом олгандан сўнг мамлакатда қолади. Ўхшаш тенденциялар бошқа мамлакатларда ҳам кузатилади. Аммо тан олиш керак, қўллаб-қувватлаш яхши карьера имкониятлари ва юқори турмуш даражаси туфайли чет элда қолишни афзал кўради. Демак, қайтиб келаётган талабаларнинг улушини ошириш учун уларнинг ишлаши ва яшаши учун қулай шароитлар яратишимиз керак. Бундан ташқари, турли дастурлар ва грантлар орқали қайтиб келаётган мутахассисларни қўллаб-қувватлаш муҳим, бу уларга ўз билим ва тажрибаларини мамлакат манфаати учун самарали қўллашга ёрдам беради.



Аюбхон Файзуллаев, партия Марказий кенгаши бўлими бошлиғи:

– Ўзбекистонда ёшларга жуда кенг имконият ва имтиёзлар яратилмоқда. Масалан, 2024 йилда мамлакатимиз тарихида биринчи бор Қизилтепа тумани Шейхон қишлоғидан бўлган Мунаввара Чўлиева 6 та фандан миллий сертификат олиб, кириш имтиҳонлари учун олдиндан 189 балл йиғди. Энди у имтиҳон топшириши шарт эмас.

Лекин имтиёзлар билан қўллаб-қувватлаш бокимандачилик кайфиятига ўргатиб қўймаймизми, деган фикр ҳам йўқ эмас. 2023 йилда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида кириш имтиҳонига 5 нафар ёшлар максимал 189 балл йиғиб, тўлов-контрактга киргани ҳақидаги хабар жамиятимизда катта резонансга сабаб бўлганди.

Бу масалага Давлат раҳбари аралашгандан кейингина улар муносиб бўлган давлат грантига эга бўлишди. Афсуски, кимдир яратилган имтиёздан тўғри фойдаланса, кимдир бунни сунистеъмол қилади. «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров ҳам фракция йиғилишларидан бирида «Биз мактаб ва мактабгача таълим тизимида ёшларимизни ҳаётга эмас, балки ОТМга киришга тайёрлаёмиз, бу бизнинг энг қатта ҳатоийимиз» дея таъкидлаган эди. Агар бу тизимни ҳар йили ислоҳ қилаверсак, эркин ишлашга қўйиб бермасак бутун бир авлодни йўқотишимиз мумкин.

– Турли тадқиқотларга кўра, ўртача 30-50 фоиз талабалар ўқиши тугагандан кейин юртига қайтмаслиги мумкин. Давлат учун ёш мутахассисларни қайтариш муҳими ёки уларни хорижда қолдириш. Бу борада икки ёндашув бор:

1. Ёш мутахассисларни хориждан қайтариш иқтисодий ривожлантиришга, янги технология ва усулларни жорий қилишга, таълим ва фан сифатини яхшилашга, шунингдек, турли соҳаларда мутахассислар етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

2. Бошқа томони, агар ёш мутахассислар хорижда қолса, улар мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга, хорижий сармояларни жалб қилишга ва ўз юртининг халқаро майдонда ижобий имижини яратишга ҳисса қўшади. Шунингдек, улар ўз юртига пул ўтказиб туриши мумкин, бу ҳам иқтисодга ижобий таъсир кўрсатади.

Давлат учун энг яхши стратегия ҳар икки ёндашувни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, ёш мутахассисларни қайтариш учун шарт-шароитлар яратиш, стартапларни қўллаб-қувватлаш дастурлари, имтиёзли солиқ тўловлари, илмий тадқиқотлар учун грантлар ва бошқаларни киритиш, шунингдек, хорижда қолишга қарор қилганларни консулдик хизматлари, маданий дастурлар ва бизнес ассоциациялари орқали қўллаб-қувватлаш мумкин.

Зарина АХМЕДОВА тайёрлади.

КЎҚОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ДИҚҚАТИГА!



Ривоятларга кўра, бу назаркарда шахс вали инсонлардан бўлиб, юрт бошига келаётган балою-офатлар, турли ёмонликларни олдиндан кўра билган ва бунга қарши курашиб, уларни даф қила олган.

НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛГАН БЕКАТ БУЗИЛАДИ...МИ?



Фарғонада азизу авлиёлар мангу кўним топган табаррук масканлар, кадамжолар жуда кўп. Ана шулардан бири Кўқон шаҳрининг Алишер Навоий мавзеси, Наврўз МФЙ ҳудудида жойлашган Парри Девона ёки халқ тили билан айтганда Девона бува зиёратгоҳидир. Ривоятларга кўра, бу назаркарда шахс вали инсонлардан бўлиб, юрт бошига келаётган балою-офатлар, турли ёмонликларни олдиндан кўра билган ва бунга қарши курашиб, уларни даф қила олган.

Хатто бир неча асрлар муқаддам Кўқонни қонга ботирмоқ, халқини кул қилиб, бойлигини таламоқ ниятида келган қонхўр қалмоқ ёғийларини ҳам Девона бува ўз шогирдлари билан даф қилгани тўғрисида ривоятлар бор. Шу боис, бу қароматли инсонга халқ ихлос кўйиб, уни пири муршид даражасига кўтарган ва умрининг охирида у яшаб ўтган жойни обод қилишиб, вафотидан сўнг унга макбара тиклашган.

Йиллар силсиласида бунёд этилган макбара емирилиб, хароба аҳволга кела бошлади, кўқонликлар, хусусан таникли тадбиркор Аббосхон Аҳмедовнинг саъй-ҳаракати билан макбара қайтадан қурилиб, атрофи девор билан ўраб қўйилди. Худуд яшил масканга айлантирилиб, бу ерга дов-дарактлар, гул кўчатлари экилди. Хуллас, тадбиркорнинг савобли амаллари иш бериб, шаҳарда кўрса кўз қувнайдиغان яна бир маскан-зиёратгоҳ пайдо бўлди.

Аммо кейинги пайтларда зиёратгоҳ атрофида дилни хира қиладиган воқеалар рўй бера бошланди. Яъни, макбара ташқарисидоги эндигина гулга кирган дарактлар кўпорилиб, гулзорлар пайхон қилина бошланди. Маълум бўлишича, зиёратгоҳнинг шундоқкина бикинида автобус тўхташ жойи – «Ақлли бекат» ва унга туташ қилиб каттақон савдо дўкони

қурила бошланган экан. Хуллас, зиёратгоҳ атрофи яланғоч ҳолатга келтирилиб, қурилиш ишлари бошланганлигини тантанали равишда билдиришмоқчидек бетон пойдевор ҳам қуёла бошланди. Натижада чор-атроф чанг-тўзон ичида қолдики, энди бу ерга зиёратга келиш амри-маҳол бўлиб қолди.

Биз ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида айрим ҳужжатлар билан танишдик. Масалан, вилоят йўллардан мунтазам фойдаланиш давлат муассасасига тегишли ҳужжатда айнан ушбу зиёратгоҳ ёнида «Ақлли бекат» қурилиши назарда тутилмаган экан. Демак, ҳозирда қуриб битказилган, яъни зар чопондаги бўз ямоқдек шаҳар хуснига доғ бўлиб тушган бу «Ақлли бекат» қурилиши тегишли идоралар билан – келишилмаган.

Фарғона вилоят йўллардан мунтазам фойдаланиш давлат муассасаси раҳбарларининг баён этилишича, бу ерда амалга оширилган қурилиш ишлари ноқонуний тарзда олиб борилган. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг 342-сонли қарори талабларига кўра, йўл минтақасидан фойдаланиш учун юқорида номи келтирилган муассаса раҳбарияти билан келишув битими имзоланиши, сўнгра қурилиш ишлари бошланиши лозим эди. Шу боис, барча қурилишлар амалдаги

қонунчиликка биноан уни барпо этган тадбиркор ёки ташкилот ҳисобидан бузиб ташланиши керак.

Худудга масъул 2-сектор штабидан маълум қилишларича, айти пайтда қурилиш буткул тўхтатилиб, «Ақлли бекат»-дўкон бошига жойга кўчирилган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Муаммонинг буқадар чуқурлашиб кетишига Кўқон шаҳар ҳокимлиги нега бефарқлик билан қараб келяпти? Яна бир гап: ушбу воқеа хусусида лавҳа тайёрлаган репортёр йигитнинг таъкидлашича, хатто хонлар ҳам отидан тушиб, пиёда ўтган табаррук зиёратгоҳга туташ йўлда қурилиш бошлаган тадбиркорни топиб бўлмапти экан. Бу масалада хатто Кўқон шаҳар раҳбарлари ҳам ёрдам бера олишмабди. Энг қизиғи, ушбу худудга масъул 2-сектор – прокурор штаби масъулларининг ҳам «Ақлли бекат» қурувчисини тополмаганлари айтиляпти.

Аммо қувонарлиси, Наврўз МФЙ раиси Рашидjon Бобононов ва маҳалланинг фаол жонқуярдларидан бири Ўқтамжон Тошқузиёв эса муаммонинг тезда ечим топишига умид қилишмоқда... Шунингдек, берилган ваъдаларнинг бажарилишига ҳам...

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,
«Миллий тикланиш» мухбири



Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунлари бўлиб ўтади

18-22 июль кунлари Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунлари бўлиб ўтади.

Маданият, ахборот, спорт ва ёшлар сиёсати вазири Алтинбек Макутов бошчилик қиладиган жами 250 кишилик Қирғиз Республикаси делегацияси таркибидан таникли маданият, фан, адабиёт ва санъат намоёндалари ўрин олган. Миллий тарих музейи вакиллари, Т.Сатилганов номидаги Миллий филармония қошидаги «Қамбаркан» фольклор-этнографик ансамбли ижодий гуруҳлари, Ч.Кожомжаров номи эстрада-симфоник оркестри, Давлат ракс ансамбли, «Ак-Марал», «Дилгир», «Шаттик» халқ ракс гуруҳлари,

«Манас» миллий театри, Бобур номидаги Ўш давлат академик ўзбек мусика ва драма театри шулар жумласидан.

18 июль кунини Форумлар саройида «Қирғизистон маданияти кунлари»нинг тантанали очилиш маросими ва ўзбек-киргиз санъат усталари иштирокида кўшма концерт бўлиб ўтади. Анжуман доирасида икки давлат адабиёт ва санъат намоёндалари учрашуви, «Кўк гумбазлар» боғида «Қирғиз ойили» маданий-кўргазма марказининг очилиши, шунингдек, Қирғизистон киноси кунлари ҳам режалаштирилган.

Байрам тантаналари Бухоро шаҳрида давом этади.

ЎЗА

✓ Кутинг!

**ОМБУДСМАН,
БУ БОЛАЛАРНИ
ҚУТҚАРИНГ!**

ЁХУД ТИЛАНЧИЛИК УЧУН
ЧЎЗИЛГАН ҚЎЛЛАР БЕГОНА ЭМАС!

Келгуси сонларда

ХАЛҚАРО ХАЁТ




– Россия вакиллари Украина бўйича иккинчи тинчлик саммитида иштирок этишлари керак, – деди Украина президенти Владимир Зеленский.

Зеленский иккинчи тинчлик конференциясига режалаштирилган учта тайёргарлик учрашуви ҳақида гапирди. Биринчиси, энг муҳим соҳа – энергия хавфсизлигига бағишланади. Бу масала Қатарда июль ойининг охири – август ойининг бошида ўтказилиши керак. Азов ва Қора денгизларида навигация хавфсизлигига бағишланган иккинчи йиғилиш август ойида Туркияда бўлиб ўтади. Сентябрь ойида эса Канадада харбий асирларни алмашиш ва украинлик болаларни Россиядан қайтариш бўйича йиғилиш бўлиши режалаштирилган.

The New York Times нашри хабарига кўра, ХАМАС ва Фаластиннинг амалдаги ҳукуматини бошқараётган Фатх вакиллари кейинги hafta Хитой расмийлари томонидан Пекинда қабул қилинади.

Ушбу учрашув натижаси қандай бўлишидан қатъий назар, Фарб томонидан террорчи ташкилот дея эълон қилинган ХАМАСнинг Хитойга таклиф этилиши Хитой ҳукумати томонидан бу ташкилотнинг «де-факто» тан олинисини англатади. Бунга шунингдек, Хитой ҳукумати АҚШнинг президентлик сайловлари билан овра бўлаётганидан фойдаланган ҳолда Якин Шарқда ҳам ўз дипломатиясини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда, дейиш ҳам мумкин. Аммо ушбу вазият шундоқ ҳам тобора ёмонлашаётган АҚШ ва Хитой ўртасидаги рақобатни янада чигаллаштириб юбориши мумкин.



DARYO.UZ ХАТО ҚИЛДИМИ ЁКИ ВАЗИРЛИК?

Daryo.uz инглиз тилидаги ўқувчилари учун хушхабар тарқатибди. Унда Ўзбекистон Инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Кудратовнинг АҚШнинг Глобал инфратузилма ва инвестициялар бўйича махсус координатори в.б.Хелайна Матза билан учрашгани ва Ўзбекистонга 800 млрд долларлик сармоя киритиш масаласи муҳокама қилингани тўғрисида маълумот берилган. Қайд этилишича, ушбу сармоянинг 200 млрд.и АҚШ федерал бюджетидан, 600 млрд.и эса Катта етилик мамлакатларидан экан.

Аваллига, бу хабар фејк бўлса керак деб ўйладик. Чунки 800 млрд доллар микдоридоги катта маблағнинг Ўзбекистонга сармоя сифатида киритилиши ҳақиқатан анча йирик. Шунинг учун ҳам хато маълумот кетибдими деган фикрда ахборотни ўзбекча нусхасини қидира бошладик. Аммо изланишларимиз муваффақиятсиз чикди. Айти пайтда ҳам ушбу хабар daryo.uz сайтининг инглиз тилидаги хабарлари орасида турибди. Аниқлашишча, daryo.uz вазирликнинг Linked.in саҳифасидан иктибос келтирилган экан.

Нима бўлганда ҳам, бу хабарда қандайдир ноаниқлик бор, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам вазирлик ёки Daryo.uz томонидан 800 млрд АҚШ доллари бу факат Ўзбекистон учунми ёки ривожланаётган мамлакатларга ажратилиши кўзда тутилаётган жами маблағ микдорими, деган саволга аниқлик киритилса яхши бўларди.

postfactum.uz дан олинди

БУГУННИНГ ГАПИ



ФАРҒОНА:

ШУКРОНАЛИ ҲАЁТ СИМФОНИЯСИ

БАХТНИНГ БОШИ СОҒЛИК

Президентимизнинг «Тиббиётдаги ислохотлар – инсон қадри учун», деган ташаббуси асосида 2021 йили «MERIDIAN DIAGNOSTIC HOSPITAL» клиникаси иш бошлаб, лойиҳага 8 млн. АҚШ доллари сарфланган эди. Клиникани жиҳозлаш учун Германия, Жанубий Корея, Япония ва Хитойдан тиббиёт жиҳозлари ва лаборатория ускуналари олиб келинди. Утган уч йилда аҳолига 11 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилди. Ҳозир водийда 10 та ана шундай клиника ишляпти. Бир сўз билан айтганда клиника кластерга айланди. Тизимда айни пайтда 600 дан ортиқ иш ўрни яратилган.

2022 йили «Central Asian Medical University» тиббиёт университети ташкил этилди. Уни жиҳозлаш учун Россия, Хитой, Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатлари, Германия ва Туркиядан 10 млн. АҚШ долларига муяжж ва фантомлар, ўқув жиҳозлари, компьютерлар, замонавий электрон доскалар, ўқув лабораториялари келтирилди. 5.5 млн. АҚШ долларлик Симуляцион Марказ иш бошлади. Қайд этиши жоиз, хали бундай симуляторлар комплекси Марказий Осиёдаги университетларда йўқ.

Университет ўзига хос таълим экспортини ҳам йўлга қўйган. Бу ерда Киргизистон, Тожикистон ва Россиялик талабаларни ҳам ўқратасиз. Режалар катта. Яқинда маҳсулот таннархисини 50 фоизга камайтириб, қўшни давлатлардан ҳам беморлар оқимини кўпайтириш, яъни тиббиёт туризмини йўлга қўйиш режалаштирилган.

ВАТАН ХИЗМАТИГА ҚАЙТДИ ЖАВЛОНБЕК

Албатта, бундай йирик лойиҳалар учун кучли мутахассислар керак. Ана шундай ёш, аммо иқтидорли кадрлардан бири кардиохирург Жавлонбек Мўйдиновдир.



У Москвадаги нуфузли клиникалардан бирида ишларди. Президентимиз даъватидан рухланиб, она шаҳри Марғилонга қайтди. – Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида кардиохирург сифатида иш бошладим, – дейди Жавлонбек. – Очиғи, Марғилонга қайтиб, тиббиётда жуда катта ўзгаришларни кўрдим. Айни пайтда марказимизда 90 ўринга эга онкогематология, кардиохирургия, неврохирургия бўлиmlари учун энг замонавий талабларга мос бино қурилиб, моддий-техник база билан таъминланди. Ҳозиргина 2500 нафардан кўп болажонларимизга мураккаб турдаги юрак жаррохлик амалиётларини ўтказдик. Олинлари ота-оналарнинг 40-50 фоизи бунинг учун чет элларга чиқиб, 10-15 АҚШ долларини сарфлаб келишарди. Мана, кейинги 5-6 йилда барча юрак жаррохлик амалиётлари Фарғонада ўтказилди.

2023 йилнинг март ойида Президентимизнинг ташаббуси билан 185 нафар юрак туғма нуқсонли болажонларимиз учун 5 млрд 150 млн сўм маблағ ажратилди. Биз бу ғамхўрликдан рухланиб, 185 нафар ўрнига 250 нафар кам таъминланган ва ногиронлиги бор болажонларимиз юрагида юқори технологик жаррохлик амалиётларини ўтказдик.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Жавлонбек Мўйдиновнинг оғир меҳнати эътибор топти. 2022 йили шифокорлар куни кардиохирург олим Жавлонбек Мўйдинов Давлатимиз раҳбари Фармонига кўра, «Шухрат» медали билан тақдирланди.

«ИККИНЧИ ЎРИНИ ЭГАЛЛАДИК. МАКСАДИМИЗ – 2025 ЙИЛДА БИРИНЧИ БЎЛИШ»

Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби директори Нигора Маннопова: «Мен дунёда мубобили йўқ мактаб директори эканлигимдан бахтиёрман», дейди.

«Президентимизнинг «Хар қайси инсоннинг калбида куёши бор, факат унга нур сочиш имконини бериш



керак», деган гапларини кўп эслайман. Бугун журтимизнинг энг чекка кишлоқлари боласида ҳам истеъдод уйғоняпти. Чунки Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар болаларимизда истеъдод куртакларининг кўзларини очиб берди. Мен ўқувчиларни кузатиб, бир насага амин бўлдим: янги авлод мактаблари импультси билан таълимда портлаш эффекти юзага келаяпти. Мактабимиз ўқувчиларининг нуфузли халқаро олимпиада, ТОП-100 ликаро кирувчи халқаро олий таълим муассасаларининг 100 фоизлик грантини кўлга киритаётгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Ижод мактаблари битирувчиларининг 56 фоизи (148 нафари) мудатидан олдин хорижий ва маҳаллий олийгоҳлар томонидан ўқишга таклиф қилинди. Шунингдек, битирувчиларимиз олий таълим муассасаларига тўплаган 157.9 баллари билан республикада 2 ўринни эгаллади. Кейинги йилдаги максадимиз - биринчи бўлиш...

Мен ана шундай тарихий жараён иштирокчиси эканлигимдан фахрланаман. Ишонч билан айтаманки, бир авлод такомиллашди. Учинчи Ренессанс яна Ўзбекистонда бўлганам.

СОЛИЖОН ҲОЖИ ОТА: «БИЗ – МАЪНАВИЯТ ТАРГИБОТЧИЛАРИ БЎЛАМИЗ».

Бундан 30 йил илгари Ўзбекистондан бор-йўғи 12 киши Ҳажга борган экан. 2024 йилда эса ҳожилар сони 15 мингдан ортди. Бу Ўзбекистонда қўлдорлар учун миңг қарра яхши шароит яратилганини англатади. Шунинг учун хар бир мўминнинг тилида шукрона. Улар Оллоҳдан давлатимиз раҳбарини, бу илоҳий неъматининг ажри савабини тўқис қилиб беришини талаб, дуолар қилишяпти. Фарғона туман «Обод маҳалла» фукарорлар йигини нурунийси Солижон ака Ҳожиев ана шундай дуогуйлardan бири. Отахон ҳам шу йил муборак Ҳаж зиёратига етишди.

Ҳожи ота Президентимизнинг давлат ишларидан ортиб, 15 мингдан ортиқ ҳожилар ҳолидан хабар олганларини эшитиб, у кишини хакларига узок дуо қилди. «Бу ғамхўрлик жисимизга қувват, ибодатимизга ҳуш бағишлади. Юртбошимизнинг йўқлиги - Ватан йўқлиги бўлди. 15 миңг ҳожини бир жонун бир тан қилди. Қувониб, бир-биримизни бағримизга босдик. Буни кўрган бошқа мамлакат ҳожилари бизга ҳавас билан қарашди.

Биз 15 миңг ҳожи Муфтийимизнинг ташаббусларига лаббай, деб жавоб берамиз, маънавият тарғиботчилари бўламиз, деб

ахду паймон қилдик. Ҳожи макомини баланд тутиб, Президентимизнинг халқимиз учун қилаётган улғу ишларига елкадош бўламиз, деб ният қилдик.

Ватанга қайтгач, Фарғона туманидаги 98 нафар ҳожининг бирортаси ортиқча хашам, дабдабавозликка йўл қўймади. Машинадан тушиб, тўғри уйга кирдик. Қариндош, куда-анда, ёру биродарлар келишди. Замзам сувдан ичиб, кетишди. Ҳожиларимиз қўлларидан келганча, маҳаллада боқувчисини йўқотган, чин етим, кам таъминланган оилаларга имкон даражасида ёрдам қилишди.

Биз Маккада туриб берган аҳдимизнинг устидан собитимиз. Худо ҳоҳласа, Мустақиллик байрами яқинлашиб келаяпти. Маънавият тарғиботчилари гуруҳига қўшилган бўлдик. Нурунийлар, ахли илмлар билан бирга жамиятимизда иймон-инсоф, миллий тарбия, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаймиз. Фарзандларимизга тўғри йўл кўрсатамиз. Жаҳолатга қарши маърифат билан курашамиз. Ёшлар тарбияси ва оилалар тотувлигида ибрат бўламиз».

ҲАЙТБОЙНИНГ МАҚСАДИ НИМА?

Ҳайитбой Ҳасанов – Сўх йигити. У тумандаги Сариканда маҳалласи ёшлар етакчиси. У олис ҳудудда яшайди, лекин маҳалла ёшларининг етакчиси сифатида бугунги ислохотларни ич-ичидан хис қилиб ашяпти. Унинг далай, ўткир, кўзу сўзларидан ғайрат, шижоат таралади.



«Мен яқинда, 28 июнь кунини Тошкентда Президентимизнинг қўлларидан «Келажак бунёдкори» медалини олдим. Ушанда Президентимиз менга «Ҳайитбой, маҳаллада ёшлар сиёсатини яхши олиб бораётганингдан хурсандман. Яна қандай шароит керак бўлса, яратиб бераман. Шижоатингни туширма», дедилар. Мен эса Президентимизга «Сизнинг сиёсатингизни маҳалламга жорий қилишда бор кучим билан ёрдам бераман», деб ваъда бердим. Чунки мен учун бу сўзлар олтиндан киммат.

Сариканда маҳалласида йил бошида хонадонбай хатлов қилдик. Ишсиз ёшлар 16 нафар, хорижга кетган ёшлар эса 26 нафар эди. Ишсиз ёшларни 100 фоиз иш билан таъминладик. Маҳалла етгилги билан хорижга кетган ёшларимизнинг уйларига бориб, улар билан ижтимоий тармоқлар орқали гаплашдик. Шу кунгача уларнинг 11 нафарини маҳаллага қайтариб, иш билан таъминладим.

Ҳурматли Президентимиз 30 июнь кунини ёшлар билан учрашиб, «Янги Ўзбекистон ёшлари» деган шарафли номга муносиб ёшларимиз бизнинг

олтин фондимиз, дедилар. Мен Президентимиз айтганларидек, истеъдодли, билимли, матонатли бўлишни ўзимга олий мақсад қилиб олдим».

АБДУРАҲМОННИНГ БИЗНЕС ТАРИҲИ

Абдурахмон Махмудов Қўштепа туманидаги «Турон Умар Текс» корхонаси раҳбари. Ёш, спортчи, катъиятли, шу билан бирга Фарғона маънавияти, одоби соҳибни.



У билан суҳбатлашиб, Президентимиз томонидан 2024 йилнинг «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилингани моҳиятини янада теранроқ англагандек бўлдим. – Меҳнатни талабалик даврдан бошлаганман. Контрактимни тўлаш учун ота-онамга ёрдам беришим керак эди, – дейди Абдурахмон Махмудов, – Бўёқчилик цехига ишга кириб, аста-секин бу касбни ёқтириб қолганим. Ҳамкасбларимнинг қасбига бўлган муҳаббатини менга туртки бериб, соҳани чуқурроқ ўргана бошладим. Орадан икки йил ўтиб, корхонанинг ташки савдо алоқалари бўйича менежер лавозимига ўтказишди.

Шундан кейин Президентимизнинг тadbиркорликни қўллаб-қувватловчи Фармон ва қорларини обдон ўргандим, натижада борган сари тadbиркорликка бўлган ишончим ошаверди. Хуллас, тadbиркор бўламан, деб қатъий қарор қилдим.

Ёш тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш ва кичик бизнесни ривожлантириш учун Қўштепа туманида «Истиклол» кичик саноат зонаси ташкил этилганидан кейин ўша жойда «Турон Умар Текс» МЧЖни ташкил қилдим ва чет эллик ҳамкорлар билан 3 млн. долларлик моимк сочмак ишлаб чиқариш лойиҳасини устидан иш бошладим.

2021 йилда 350 миң долларга Хитойдан энг янги технологиялар асосида ишланган, тежамкор дастгоҳлар олиб келиб, ишга туширдик. Бугун корхонада 30 дан ортиқ ишчи-ҳодим ва мутахассислар ишляшмоқда.

Мақсадим – бир йил ичда корхонага 1 млн доллар инвестиция кириштириб, янги технологиялар жорий этиш, қўшимча яна 50 та иш ўрни ташкил қилиш. Чунки бугун Ўзбекистонимизда олиб борилаётган сиёсат бошқа тadbиркорлар қатори менга ҳам куч, ишонч ва умид берапти».

«ВЕГВАЙЗЕР» РАҲБАРИНИНГ ТАКЛИФИ

Билим кўп нарсани ҳал қилиши мумкин. Лекин уни қўламанаса, қўллашни билмасан, замонавий тилда айтганда, билимини капиталлаштирмасан, фойдаси йўқ. Фуркат Комилов ана шундай қарашлари билан



Ватанга хизмат қилаётган фарғоналик йигитларнинг бири. У Фарғона давлат университетида немис тилидан дарс беради. Шу билан биргаллик, вилоятдаги немис тилига ихтисослашган «Вегавайзер» ўқув маркази раҳбари ҳамдир. Германиянинг ДААД стипендияси соҳибни, Штутгарт шаҳридаги Хохенхайм университетида мадақа ошириб келган.

Ўқув маркази кейинги 3 йилда 2000 га яқин ёшларга немис тилини ўргатди. Ҳозир улардан 400 дан зиёди Германияда ишляпти. Бугун ёшларимиз орасида немис тилини ўргангач, Германияга бориб, 2000-3000 евро ойлик олиб ишляётган ёшлар кўпаймоқда.

Маълумотларга қараганда бугун Германияда 1,9 млн бўш иш ўрни бор. Уларга тил билладиган, касби бор, малакали ишчилар керак. Агар тил ва касби бўлмаса, Россияда 800 долларга ишляган малажур бўлади. Мен марказни очганимча ёшларимиз чет элларда қора ишларни қилмасан, малакали ишчи бўлиб, 2-3 миң евро ойлик олиб ишляшга қандай ёрдам беришим мумкин, деб ўйлаганман.

Бир вақтлар Туркия ҳам ана шу йўлдан борган. Турк ёшлари Германияда ишлаб, технологияларни Туркияга олиб келишган ва Ватанини ривожлантиришга бекиёс ҳисса қўшишган.

Бугун Ўз малакасини Германияда оширишни истаётган ёшлар олдига 2 та масала бор. Бири – тил, иккинчиси – касб-хунари бўлиш. Тўғри, тилини беул ўрганиб ҳам сертификат олишяпти. Лекин Германияда касб-хунар эгаси эканини билдирадиган дипломларимизнинг тан олинини қийин бўлаяпти.

Шунинг учун тажриба тарикасида Германия билан ҳамкорликда икки давлатда ҳам дипломи тан олинандиган касб-хунар мактабларини очсак, яхши бўларди, деган фикрга қелдим. Чунки бу билан диплом тан олинини муаммо хал бўларди. Бу масалада германиялик соҳа вакиллари билан маслаҳатлашдик. Улар ҳам рози. Айни пайтда мана шу лойиҳани бошляшман.

Хуллас, бугун Фарғонада жушқини ва завқли ҳаёт қайнаяпти. Кучли иқтисодий сиёсат билан ёшларимиздаги кучли маънавият қўшилиб, ранг-баранг шукроналар симфониясини яратмоқда.


Бахтимизга кўз тегмасин.



Мухаммаджон ҚУРОВОВ, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти директори ўринбасари.




Таникли журналист, миллатпарвар дўстимиз Хусан Эрматов бошчилигидаги меҳнаткаш жамоанинг улкан ижодий ютуқларига қарамай, журнал тахрир ҳайъати раиси Қудратилла Рафиқов яқинда ижодкорлар билан учрашувда янги нашр ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга эҳтиёж юқори эканини таъкидлади.



«Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак! Биз бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз»

Шавкат МИРЗИЁЕВ



МЕНИНГ УЧУН БУ ДУНЁ ҚЎШИҚ

Хотира

Биланни динимиз тўра оралди ўлиди. Тиллар орасида янадим, сўради. Қиро ер – аждрок – отамни ютди – Уч етди эдимки? Пағладим эрираб. Дештида ёрқ қўйдим. Танидим омон. Рўзгоримга яшашим билансиз дўрди. Мил-қўланим ортадан қорудим сарим – Онам билансиз – ҳар жорва қўйдим. Халқ ҳам эсимда гоминг сийди. Етмаси сўзловим билансиз қўл – Қўлсизим ўлиди элте – яшашим тўрди – Милти жомилсиз қўлсизим ўлди қўлсизим. Даштидам алр қўйғи йилди қўлсизим. Қўлсизим жамиятга элтишим – тилиди.

Яшил қарта

Кетимизимиз? Қорнимиз тўрди, бўладимиз? Ташлаб кетимизимизимиз Алар, Ватан. Несо билансизимиз? Несо "оқ" ўрмисизимиз? Кетимизим.

Ватанга муборок бўлсин!

Босма нашрларнинг «жаноза»си ўқилишига оз қолди, дея фол очаётган айрим башоратчилар орзуси энди ушалмайди...

Янги – «Ватан» ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий журналининг илк сони ва чинакам «Ватан» номига монанд салоҳат билан чоғ эйилган иккинчи сони билан танишиб, ана шу фикр ҳаёлимдан ўтди. Ноширликнинг энг сўнгги имкониятлари қўлланилган, жозибадор расм ва безаклар билан бойитилган журнал, энг муҳими, мақолалар, хабар ва лавҳалар мавзуси беҳаттиёр ўқувчи эътиборини тортади. Бу айни пайтда миллий матбуотимиз танасидаги оғрикли нуқтада яна қон айлана бошланганидан далолат, дегим келди.

Миллат етакчисининг «Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак! Биз бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз» деган даъватлари билан бошланган журналга гўё озар шоир Акиф Бағирнинг «Ўзбек келаттир...» шеъри шпор қилиб олингандек.

Аслида бу шеър дунё эътибори ва эътирофига сазовор бўлаётган Янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар, дунё ҳамжамияти кўз ўнгидан янгитдан гавдаланаётган юртимизнинг бугунги интилишларига бир ишоралек берилибди.

Муандарижада шунингдек, Она-Ватанининг оғрикли дардию, ушалмаган армонини юрагига жойлаб кетган Абдулла Орипов, буюк армон билан дунёдан кетган Абдурауф Фитрат, ҳаётининг сўнгги йилларини хаёлотли тутқунлигида ўтказган шоир, марваридли сўзлар сандиғи эгаси Эркин Воҳидовдек инсонлар ижодидан намуналар берилган. Шу ўринда тахлиллик мақолалари ва ўта ҳаётий чиқишлари билан Янги Ўзбекистон ислохотларининг туб мохиятини оддий тилга таржима қилаётган йирик сиёсатшунос олим, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қудратилла Рафиқовларнинг сара фикр-мулоҳазалари ҳам журнални қайта-қайта вараклашга ундайди.

Тан олиш керак: пандемиянинг энг кўп жабрини кўрган соҳалардан бири матбуот бўлди, айниқса, ана шу даврда босма нашрлар бозоридagi чироклар хиралашди, баъзи нуқталарда эса батамом ўчди. Ва, табиийки, ушбу иллат босма нашрларни қутқилмаган «эволюцион» босқичга ҳам олиб чиқди, яъни газета-журналларнинг электрон шаклга ўтиш даври келганини кўрсатди. Қайд этиш жоизки,

латларида турлича кечди. Агар Европанинг аксарият давлатларида босма нашрлар учун субсидиялар ажратилган бўлса, айрим минтакаларда муассислар ўз нашрларини тўла молиялаштиришга ўтдилар, бошқа бир мамлакатларда эса ҳукумат босма нашрларга субсидиялар ажратиб,

нашрнинг ҳар бир саҳифасидан ўқувчини ўйлашга, мушоҳада қилишга ундайдиган мавзулар жой олганки, бу ижодий жамоанинг биринчи сон «стартинг» жуда катта тайёргарлик кўрганни аниқлади. «Юрт қайғуси», «Бузилмас кўрғон», «Мен Ватанда эмасман, Ватан менинг ичимда», «Ақл ила

томонга ўзгараётганига далолат бўлиши мумкин. Хусусан, «Ватан»нинг иккинчи сонида ўз ватани ва халқидан ҳеч қачон, ҳатто кўз қўриб, қулоқ эшитмаган оғир шароитларга қарамадан бирон марта маломат қилмаган шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, биргина «Ўзал Туркистон»нинг ўзи бир олам асарга татигулик Чўлпон ҳақидаги мақолалар, Туркистон – Америка уюшмаси президенти Абдулла Хўжа ҳамда Ватан мустақиллиги курашчиси, номи оқлангунича босмачи деб аталган Шермухаммадбекнинг «Ўзбекистон бизнинг «юрагимизда» номли мақолалари

«Ватан»нинг кеча ва бугунги кунини киёслашга хизмат қилибди. Таникли журналист, миллатпарвар дўстимиз Хусан Эрматов бошчилигидаги меҳнаткаш жамоанинг улкан ижодий ютуқларига қарамай, журнал тахрир ҳайъати раиси Қудратилла Рафиқов яқинда ижодкорлар билан учрашувда янги нашр ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга эҳтиёж юқори эканини таъкидлади. Айниқса, «Ватан»нинг навбатдаги сони билан танишиб, унинг катта мақсадларни қўзлагани, камров даражаси, мавзулар кўлами қўтиланганидан ҳам кенг эканига амин бўлдим. Бунга Эдвард Саиднинг «Ори-

ентализм», Тимоти Уинтернинг «XXI асрда ислом» китобларидан берилган парчалар, Гайбулла Бобоев ва Фарход Мақсудовларнинг «Ўзбек этноними. Миллатимиз номи қандай пайдо бўлган сингари мақолалар мисол бўлиши мумкин. Бас шундай экан, «Сиясат» жамоаси ва унинг ўқувчилари бугун ҳам жамиятда босма нашрларнинг ўрни муҳим эканини эътироф этаётган миллионлаб юртдошларимиз номидан Ватанга «Ватан» муборок бўлсин, деб қолади.

Одил Бек РАҲМОН, «СИЁСАТ» журналидан олинди.

Бугун Ўзбекистонда 1255 та газета-журнал, 18 та ахборот бюллетени, 116 та теле-радио канал ва 745 та интернет нашри фаолият юритяпти. «Ватан» журнали эса 1255 чи нашр сифатида рўйхатдан ўтибди.

хар қандай солиқлардан озод қилди. Ўзбекистонда ҳам бир қатор имтиёзлар жорий этилди. Аммо тан олиш керак: кучли муассисларга эга нашрларгина COVID 19 даврини нисбатан камроқ талофатлар билан ўтказди. Маълумотларга қараганда, бугун Ўзбекистонда 1255 та газета-журнал, 18 та ахборот бюллетени, 116 та теле-радио канал ва 745 та интернет нашри фаолият юритяпти. «Ватан» журнали эса 1255 чи нашр сифатида рўйхатдан ўтибди. Ундан аввалроқ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси негизда «Жаҳид» газетаси қайд этилганди...

Қиёсланса, кейинги пайтларда Интернет нашрларига нисбатан босма нашрларнинг ўсиш динамикасида жуда катта фарқ борлиги кўзга ташланган. Хусусан, кейинги 5 йилда Интернет нашрлари 120 фоизга кўпайган. Аммо афсуски, босма нашрларнинг сони, ўсиш динамикаси ҳақида бундай дея олмаймиз. Лекин шунга қарамай, оз бўлса-да босма нашрлар ўрта авлод юрагига, миллатнинг анъана ва кадриятларга яқин бўлгани боис, ҳар бир янги нашр катта воқеа сифатида кутиб олинапти.

«Ватан» журнали ҳақида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин. Бунга журналнинг мақсадига тўхталган Қудратилла Рафиқовнинг қуйидаги фикрлари тасдиқ бўлиши мумкин: «Бугун биз сизга тақдим этишга жазм қилаётган «Ватан» журнали муҳтарам Президентимиз олдинизга қўйган бу муқаддас гоғия амалга оширишга баҳоли қудрат ҳисса кўшишда восита ва вазифасини бажаради, дея ният қиламиз. Зотан, илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий форматдаги ушбу журнал ўз саҳифаларида мамлакатимиздаги энг илғор фикрли зиёлилар, олим ва сиёсатчилар учун жой берди».

Яна бир фикр: Чиндан ҳам 95 саҳифадан иборат янги

олам юзин обод қил...» сингари сарлавҳа ва рунлар шубҳасиз, ҳамкасбларимизнинг даражаси ва тафаккурдан дарак бераёттир. Тўғри, бир қарашда қиммат дизайн ва қоғоз айрим ўқувчиларни қиммат журнал эканда, дея ўйланттириб қўйиши мумкин. Аммо тан олайлик: қачонгача миллий нашрларимиз сарғайиб кетган газета қоғозини, 12 варакли дафтларлардек қариб бир шаклда чиқиши керак?

Тўғри, айримлар ўнлаб муассислари бўлган нашрлар ҳам аранг «нафас олаётган» бир пайтда шунча хашаматли нашр керакмиди, дейишлари мумкин. Албатта, керак, азиз ҳамкасблар. Бугун ўз газета ва журналига ахборот манбаи, таъбир жоиз бўлса мафқуравий қурул, ҳолис минбар дея қараётган муассислар бу ҳақиқатни аллақачон англаб етганлар. Аммо бошқа бир тоифа муассислар ҳам борки, бугун улар учун газета-журнал оғир юкка айланган. Аммо юртимиз улар фаолиятини тўхтатишга жазм этолмайтилар.

Оқибатда ўз пайтида жуда катта фойда келтирган нашрлар оёқ ости бўляпти, унда ишловчи журналистлар эса жамиятнинг омади чопмаган вакилларига айланттириляпти.

Бунга «Қишлоқ ҳаёти», «Жамият» сингари ўз даврида миллионлаб ўқувчиси бўлган нашрлар мисол бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда бундай хатолар муассислик институтининг ишламаётгани ёки мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида рўй берапти. Айрим вилоятларда эса жуда катта тарихга эга нашрлар 300 – 500 донна атрофида чоп этилаёттир.

Минг шукурки, ана шундай пессимистик реалликларга қарамай, миллий матбуотимиз маконида «Жаҳид» газетасининг пайдо бўлиши, кўп ўтмай «Ватан» журналининг дастлаб 5 минг нусхада, иккинчи сондан бошлаб эса 7,5 минг нусхада чоп этилиши вазият ижобий

✓ Бу қизиқ!



ДОЛЛАРГА СОТИЛГАН КАШФИЁТ

Ёки умид алангаси қачон ўчиши ҳақида

Миллионлаб одамларни қутқариб қолган кашфиётни 1 долларга сотган олим ҳақида эшитганмисиз?

1922 йили канадалик олимлар Фредерик Бантинг ва Чарлз Бест ўз тажрибалари билан шоқозон ости беши гормони инсулинни ажратиб олишганидан кейин диабет ўлимга олиб келадиган касалликлар рўйхатидан чиқарилди. Шундан кейин инсулин кашфиёти XX асрнинг энг катта ютуқларидан бири сифатида тан олинди, Фредерик Бантинг Нобел мукофотида сазовор бўлди. Ушбу кашфиёти учун дунёнинг энг бой одамига айланиши мумкин эди, лекин олим инсулинга бўлган барча ҳуқуқларини ўзи ишлаган Торонто университетига топширади... Айтишларича, Бантинг фермер оиласида туғилган бешинчи фарзанд бўлиб, унинг энг яқин дўсти ва опаси қандли диабет туфайли оламдан ўтган экан. Шундан кейин у ўз умрини ана шу касалликка қарши курашга сарфлайди. Даставвал тиббиёт факультетига ўқишга қиради, кейин кўп қатори урушда бўлади, ҳатто қахрамонлиги учун унвон билан ҳам тақдирланади. Кейинчалик эса Торонто университетидида ишлади, диссертация ёқлаб, қандли

диабет ҳақида маърузалар ўқийди. Биринчи бор у 14 ёшли болани диабетик кома ҳолатидан қутқариб қолади. Уша вақтлар касаллар сони геометрик прогрессия шаклида ўсиб борарди... 1923 йили – 32 ёшида Нобелга сазовор бўлган олим мукофотни қабул қилар экан, бунда Чарлз Бестнинг ҳиссаси жуда юқори эканини, Бестсиз бу кашфиёт амалга ошмаслигини таъкидлайди. Шу тариқа Бантингнинг номи физиология ёки тиббиёт бўйича Нобел мукофотининг энг ёш лауреати сифатида тарихга муҳрланади. Бундан ташқари, олим инсулиннинг инсоният учун аҳамиятини тушуниб, унга патент олишдан бош тортади. Гарчи бу кашфиёт уни миллионларга айлантиришини билса-да, барча ҳуқуқларни Торонтодаги университетга рағзир бўл долларга сотади. Шу ўринда Ф. Бантингнинг хизматлари учун Бутунжаҳон диабетга қарши кураш қуни унинг туғилган кунинда – 14 ноябрда нишонланадиган бўлганини айтиш жоиз. Бугун олим яшаган уй ёнида абадий олов – умид алангаси ёнмоқда. Айтишларича, ушбу олов фақат диабетни тўғилдирилган кейингина ўчирилар экан...

Мохира ҲАКИМОВА тайёрлади.

МИЛЛАТ ОЙДИНЛАРИ



Талабалар жуда қийин шароитда таълим олишарди. Эсимда, бу талабаларнинг бошида дўппи, эғнида чопон, оёғида кавуш бўлиб, ўта юпун ва деярли пулсиз эдилар. Уларнинг ягона ниятлари Москвада пухта таҳсил олиб, Ўзбекистон раванқига ўз ҳиссасини қўшиши эди.



НОХОЛИС

Д. Қўриқов



Бундан 7 йилча аввал тухмат ва бўҳтонлардан иборат, инсон шаъни, кадр-қиммати оёқ ости қилинган, ҳақиқат тахқирланган бир ховуч қоғозлардан иборат «дело»ни қўлимизга олдик... Тошкент УГБ НКВДнинг 3-бўлими 1937 йилнинг 4 август санаси билан М.Турсунхўжаевни ЎзССР ЖКнинг 58-, 67-моддалари билан айблаб, қамоққа олишга қарор қилади. Унда ёзилишича, М.Турсунхўжаев 1921-1923 йилларда босмачиларга ёрдам берган ва «Миллий истиклол» махфий ташкилоти доирасида фаолият олиб борган...

Муҳиддин Турсунхўжаев 1900 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Отаси Турсунхўжаеви (1856-1932) маърифатпарвар бўлган. 1912 йилдан бошлаб, қозиликни ташлаб, дехқончилик ва табиблик билан шуғулланган. Муҳиддинхўжа аввал эски усул мактабиди, сўнг янги усулдаги жаҳид мактабиди тахсил олади. 1914 йилга келиб, Хадрада жойлашган рус-тузем мактабини тамомлайди. Сўнг, Тошкентда очилган «Реал билим юрти»да ўқилиш мақсад қилади. Аммо мустамлақачи тузум қонунларига кўра, у маҳаллий миллат вакили бўлгани учун ўқишга қабул қилинмайди. Шундан сўнг, уч йил давомида давлат банкида, Д.М.Устиновнинг нотариус идорасида, савдогар Абдумавлоновнинг дўконларида идора ходими сифатида иш олиб боради. Унинг болалиги ўлкада тараккийпарварлик ғоялари кенг ёйилган бир даврга тўғри келади. Шубҳасиз ёш, ғайратли Муҳиддинхўжа 1917 йилга келиб, барча туркстонлик тараккийпарварлар каторида сиёсий кураш майдонига қалам қўяди. Дастлаб, Хайдар афанди раҳбарлигидаги «Темур

йилнинг 14 январидан сентябрга қадар Москвадаги Я.М.Свердлов номидаги коммунистик университетнинг махус курсини битиради. Шундан кейин Бухорога сафарбар этилиб, Бухоро Халқ Республикаси ҳукуматида Ички ишлар қурбонлар эвазига халқни тинч турмушга қайтаришга интилади. 1921-1922 йилларда Туркстон компартияси Марказий кўмитаси қарори билан М.Турсунхўжаев Фарғона музофотида милиция бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлайди. 1921 йилнинг декабрида Москвада Бутунроссия советлари IX съезиди делегат бўлиб, Фарғона воқийсидаги аянчли ахвол ва уни зудлик билан бартараф этиш масаласини ўртага ташлайди. 1922 йил охиридан бошлаб, Туркстон Республикаси комсомол ташкилоти раҳбари, Тошкент шаҳар ижрокўми аъзоси, 1923 йил Сирдарё вилоят партия кўмитасида масъул котиб бўлиб ишлайди. 1924 йилнинг августидан Фарғона воқийси шаҳарларида МОПР (халқаро инқилобчилар ёрдам) ташкилотларини шакллантиришда жуда фаол бўлади. Бир вақтнинг ўзиди 1924 йилнинг май ойидан 1926 йилнинг ўрталаригача Самарқандда «Туркипак» акционерлик жамиятига ҳам раислик қилади.

Олим ва журналист Ашурали Зоҳирий «Фарғона» газетасининг 1924 йил 21 июни сониди: «М.Турсунхўжаев ёшларни ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишлари ва уларни тараккийпарвар дунёқараш билан тасвирлаш мақсадида ёшлар нашриётини ташкиллаштирди. У ўз газетасида кўп ёшдаги ва ўзини иқтидорли журналист сифатида кўрсата олди» деган эди. Муҳиддиннинг аҳоли билан ишлаш салоҳиятини кўрган ҳукумат 1925 йилда уни совет давлатининг энг қалти сиёсий кампанияларидан бири бўлган Ер ишловига жалб этади. Бу вазифадаги хизматлари Марказий Ер комиссияси ва ЎзССР МИК томонидан фахрий ёрлик ва олтин соат билан тақдирланади. У 1926-1928 йилларда Тошкент шаҳар совети раиси, 1928-1929 йилларда Тошкент округ ижрокўми аъзоси, Янгийўл тумани партия кўмитаси котиби лавозимларида ишлайди. М.Турсунхўжаев ҳукумат қарорига мувофиқ, 1929 йилнинг 6 ноябрида Ўзбекистоннинг Москвадаги доимий вакили эғиб тайинланади. У кўп ўтмай билимдонлиги, юксак маданияти ва тинимсиз ҳалол меҳнати билан қатта эътибор қозонади ва СССР МИКнинг Миллатлар совети аъзоллигига сайланади. М.Турсунхўжаевнинг кизи Хумайра Турсунхўжаева (1924) Москвада кечган болалик давларини шундай хотирлайди: «Адамларнинг қатта кутубхонаси бор эди. Унда Н.В.Гоголнинг «Улик жонлар», М.Ю.Лермонтовнинг «Демон», Ф.Рабиннинг «Гаргантюа ва Пантагрюэль», «Минг бир кеча» каби ғарб ва Шарқ классикларининг кўплаб асарлари бўларди. Менимча, адамлар кутубхонасиздаги барча китобларни ўқиб чиққан эдилар. Чунки, далам қанчалик иш билан банд бўлмасим, ҳар доим китоб ўқиш учун вақт топа олар ва бизларни ҳам шунга ўргатишга интилар эдилар. Адам Москвада ҳар доим уйимизга Ўзбекистондан келган талабаларни олиб келар эдилар. Талабалар жуда қийин шароитда таълим олишарди. Эсимда, бу талабаларнинг бошида дўппи, эғнида чопон, оёғида кавуш бўлиб, ўта юпун ва деярли пулсиз эдилар. Уларнинг ягона ниятлари Москвада пухта тахсил олиб, Ўзбекистон раванқига ўз хиссасини қўшиши эди. Адам бу талаба йигитларни уйда меҳмон қилар, уларга вақилиқдан пул берар, хатто, баъзиларига ўзининг кийимларини ҳам кийдириб юборар эдилар. Кейинчалик бу талабалар орасидан халқимизга хизмат қилган анчагина олимлар, шифокорлар, инженерлар ва халқ артистлари етишиб чиқди».

М.Турсунхўжаев 1932 йил таниқли давлат арбоби СССР МИК раисининг биринчи ўринбосари А.Тожиев билан ҳамкорликда СССР Фада «Ўзбекистонда ишлаб чиқарувчи қуларни ўрганиш» мавзусида конференция ташкил этади. Конференция материалларини наър этишга ҳам ўзи раҳбарлик қилади. У 1934 йил Москвада Ўзбекистон Республикасининг ўн йиллиги тантаналарини ҳам юксак савияда ўтказиши. Тадбирда Муҳиддин қори Ёқубов, Ҳалима Носирова, Карим Зокиров ва Мукаррама Турғунбоева каби ўзбек санъати даргалари халқимизнинг тенгсиз санъат жавохирларини бутуниттифок даражасида кўз-кўз қиладилар. Шу доирада М.Турсунхўжаевнинг муҳаррирлиги остида «Ўзбекистоннинг ўн йиллиги» номли рангли альбом ҳам яратилади. Унда Ўзбекистоннинг маданияти, саноати ва кишлок хўжалиги соҳаларидаги муваффақиятлари бирдай ўз аксини топади. У 1935 йил апрелдан ҳукумат қарори билан Ўзбекистон Савдо халқ комиссари лавозимида тайинланади. Ушбу лавозимда ишлар экан Ўзбекистонда кооперацияни тараккий эғтириш, унинг бошқа иттифокдош республикалар билан савдо айланмасини ривожлантириш, мамлакатда савдо шохобчаларини тизимли равишда ўстириб бориш, чайков бозорини тутатиш ва савдодаги ўғрилиқ ҳолатларига чек қўйиш масалаларига қатта эътибор қаратади. Қиска муддатда қатор кооперация марказларини очади, кўплаб янги савдо шохобчаларини шакллантиради. У кишлок савдо тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида республиканинг барча кишлокларида бўлиб, ушбу соҳа муаммоларини ўрганади. Савдо-молия соҳаси ва таъминот масалаларининг ўткир муаммоларини халқ қилишга ҳам илмий нуқтаи назардан ёндашади. У мамлакатда савдо маданиятини тақомиллаштириш, савдо ходимларининг касбий малакаларини оширишда қатор илмий-амалий тадбирлар ҳам ташкил этади.

Қаҳрамонимиз М.Турсунхўжаев ҳам ўша машҳум «ўлим рўйхати»га кириб қолган экан. Афсуски, унинг асл «ғуноҳи» нима эканини ҳеч ким билмай ҳам қолди.

1937 йилнинг 13 августиди М.Турсунхўжаевни қамоққа олиш учун ордер берилиб, ўша куни кечаси у яшаётган Наримонов кўчаси, 49-уйда тингтув ўтказилади. Унга тегишли қуроллар, ҳужжатлар ва бор-йўқ бисоти мусодара қилинади. Хотини Зухра хоним, 12 ёшли кизи Хумайра, ўғли Нуриддин (9 ёш), Марат (7 ёш) ва онаси Шафоат ая (77 ёш)лар зор қақшаб уни кузатиб қоладилар. 1937 йил 22 август кунини ўтказилган илк сўроқда М.Турсунхўжаев ўзига қўйилган барча айбловларни инкор қилади. Бироқ, 1938 йил 4 октябр кунини М.Турсунхўжаев иши НКВД учлиги томонидан кўриб чиқилади. Судда унга ўзини ҳимоя қилиш учун ҳеч бир имконият берилмайди, аксинча, уни ЎзССР ЖКнинг 57-, 58-, 63-, 64-, 67-моддалари билан айбли деб топиб, отува ҳукми эғтидилар. Нохолис ҳукми шу куннинг ўзидаёқ ижро этилади...

1957 йилга келибгина М.Турсунхўжаевнинг «жиноий иши» қайта кўриб чиқилади ва 1957 йил 18 июлда СССР Олий суди харбий коллежияси томонидан оқланади.

Дарҳақиқат, Муҳиддин Турсунхўжаев номдор таълим даргоҳларида ўқимади. Фақат мактаб маълумоти билан ўз даврида Ўзбекистонда кўзга кўринган давлат арбобларидан бирига айланади. У бор йўғи 39 йил умр кўрди. Аммо, шу қиска ва сермазмун ҳаёти давомида амалга оширган улкан ишлари билан Ўзбекистон тарихида ўчмас ёз қолдириди.



Баҳром ИРЗАЕВ, Катагон қурбонлари хотираси давлат музейи қатта илмий ходими, тарихчи олим

1937-1938 йиллар советлар мамлақати тарихининг энг қора саҳифаларидан бири бўлди. Шу йиллар «қизил империя доҳийлари» томонидан анчадан буён режалаштириб келинган қатлиом сиёсати амалга оширилди.

тўдаси», сўнг Саид Ахрорийнинг «Изчилар тўдаси» тадбирларида фаол иштирок этади. 1918 йил бошида «Эски шаҳар муеулмонлари котиблари ва уламолари қасаба уюшмаси»га кириб, «сўл эсерлар» партиясига аъзо бўлади. 1919 йилда эса компартияга кириб, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида комсомол ташкилотини шакллантиришга бош қўшади. 1919 йили Абдулхай Тожиев бошчилигида туркстонлик фаол ёшлардан 35 киши Москвага ўқишга юборилади. Гуруҳ таркибида бўлган М.Турсунхўжаев 1920

ЖАДИД МАТБУОТИДАН

Туркстонлик. Туркстон. 1922 йил 24 сентябрь

Баладия идоралари учун унумлик жойлар Янги иқтисодий сиёсат ички унумларимизни табиий бир йўлга туширди. Энди бошқа бойлигимиз каби баладия идорамизга ҳам унумнинг тинмасдан оқиб туриши, баладиянинг сандугиға оқчанинг киришидан сезилиб туради. Лоқин, замон жуда жиддий, бизга ҳар нафасда «Кўзингни оч!» деб туртиб туради. Бир тарафдан беш йил ичида бузулгон, хароб бўлгон биноларимиз, кўча-кўприқларимиз тутатиш ва ўнглашни талаб қилса, иккинчи ёқдан маориф, соғлиқни сақлаш, милиция, ижрокўм каби муҳим идораларни шаҳар унуми устига юклаб туради. Хозирги унум қанча зўр бўлса-да кўрсатилган ерларга сарф этиш учун қиёфа этмайди. Энди унумни оширмақ учун унум манбаларини топиш лозимдир. Шаҳарнинг энг унумлик жойлари баладия идорасининг машруъ ҳаққи бўлган электрик стансалари, қушхона, трамвай (кўнка) ва телефон стансаларидир. Буларни баладия идоралари қарамоғига ўтказилиши керак. Хозирда бу унум манбалари хар хил муассасалар қўлида бўлиб, тушган унуми тегишлик ерига сарф бўлмай келди. Бу унум манбаини баладия идораси қўлига олиб бериш учун шаҳар ижрокўмлари жиддий ташаббус ила киришишлари керак. Шу йил 4 июлда Халқ Комиссарлари Шўроси юқоридаги кўрсатилганларни бутунлай баладия идоралари қўлига бериш учун қарор чиқорган эди. Нима учундир, халигача бу қарорнинг натижаси кўринмай туради. Шаҳарнинг юраги устида гулдураб юриб тургон бу маданий қулардан тушган унум, шу шаҳарнинг маориф ва маданиятига сарф этилиши лозимдир. Бу тўғрида, ишбилармон, савдо-саноат қуршир(кооператив)лари билан тургон халқ хўжалиги бошқармаларининг хар хил баҳоналарини қабул қилмаслик керакдир.

«Туркстон жадидларининг «Кўмак» ташкилоти» расоасидан олindi.



Ўзбекистон

Ўзбекистон — она, онажон!
Она сандиғингда қонли кўйлак бор.
Қирқ биринчи йилда тешиб ўтган ўқ,
Она, кўкрагингда олов юрак бор,
Қаҳратон аёзда музлагани йўқ,
Тонгларинг танийди шодмон хўрозни —
Куёшининг парчаси тожига кўнар.
Эрка келинларинг ширин аразни
Туғунига тугиб, далага жўнар.
Тонгининг энг оқ қисми ҳатлаб ўтолмай,
Сувчинг яктагида сақлаётир жон.
Иссиқ қучоғингни ташлаб кетолмай,
Олмаларнинг бўйи офтобда ҳайрон.
Қирда бугдой ўрган ботирга аён
Кўзада чайқалган қимзининг ҳиди.
Ғарамларга аён, чодирга аён
Сулувлар қуритган майзининг ҳиди.
Тер билан аралаш шу саратонда
Яшил пайкалларга қут томаётир.
Беланчакларингда, салқин шийпонда
Кўёш болалари сут эмаётир...

САВОЛ БЕРИНГИ!

? — Уқинини “перевод” қилиш қачондан бошланади? Шу ҳақда тўлиқ маълумот берсангиз?
Лайло Исмоилова, Бувайда тумани

— ОТМларда ўқини кўчириш 15 июлдан бошланди. Жараён 5 августга қадар давом этади ва хужжатлар transfer.edu.uz (давлат ОТМнинг бирдан бошқасига) ҳамда my.uzbmb.uz (хорижий мамлакатларда ёки республикада фаолият юритаётган хорижий ва нодавлат ОТМдан давлат ОТМларига) платформалари орқали қабул қилинади. Уқини кўчириш бўйича фанлар мажмуаси, баҳолаш мезонлари, ўтиш баллари ва супер контракт миқдорлари билан @mandat_javobot орқали танишишингиз мумкин.

? — Пиёдаларга йўл бермаган ҳайдовчиларга солинадиган жарима миқдори ошди, деб эшитдим. Шу тўғрисида?
Санжар Саидов, Когон тумани

— Ҳа, тўғри. Пиёдаларга йўл бермаган ҳайдовчилар базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари, яъни 8,5 миллион сўм жаримага тортилиши белгиланмоқда.

Ички ишлар вазирлиги Ахборот хизмати

? — Фарзандим хусусий мактабга боради. Бу ҳолатда даромад солиғи учун имтиёз борми?
Осиё Аъзамова, Тошкент шаҳри

— Ҳа, бор. Солиқ нормасида ҳар бир фарзанд учун ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлар даромад солиғига тортилмаслиги белгиланган. Лекин бу тўлов айнан 3 млн. сўм бўлиши керак дегани эмас. Ундан камроқ тўланса ҳам бу имтиёздан фойдаланишингиз мумкин.

Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати

? — Дипломлари тест синовларисиз тан олинмаган хорижий ОТМлар ҳақида маълумот берсангиз?
Мирон Улуғбеков, Самарканд вилояти

— Ўзбекистонда дипломлари тўғридан-тўғри (махсус синовларисиз) тан олинмаган хорижий ОТМларнинг 2024 йилги рўйхати тасдиқланган. Тўлиқ рўйхат билан edu.uz расмий сайтыда танишишингиз мумкин.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ахборот хизмати

? — Қурилиш ҳали битмаган ёки умуман бошланмаган уйлاردан квартира сотиб олинди нимага эътибор бериш керак?
Муҳаммадамир Дониёров, Бухоро вилояти

— Уй сотиб олаётган фуқаро Қурилиш вазирлигининг <https://mc.uz/oz/activity/ulush-platform> электрон платформаси орқали қурилатган уйнинг рўйхатдан ўтган ёки ўтмаганлигини текшириши керак. Бу хавола орқали ҳамма учун очик бўлган мажмуа ва қурувчи ташкилот номи, манзили ҳамда бошқа маълумотларни олиш мумкин.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ахборот хизмати

? — Битта хонадонда яшовчи кўп оилаларнинг ҳар бирига электр энергияси бўйича алоҳида ҳисобрақам очини белгиландими?
Бобур Ахмедов, Сирдарё вилояти

— Режалаштириляпти. Бугунги кунда битта кадастр остида яшаётган тўрттагача оила ҳам борлиги, ушбу оилалар бир ойда камида 800 kWh электр энергияси ишлатишларини ҳисобга олиб, битта хонадонда яшовчи кўп оилаларнинг ҳар бирига электр энергияси бўйича алоҳида ҳисоб рақам очини бўйича ҳуқуматга тақлифлар берилган.

«Худудий электр тармоқлари» АЖ Ахборот хизмати

? — Газ “заправкалар”га қўшимча талаблар қўйилди деб эшитдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз?
Ислом Акбаров, Фарғона вилояти

— Ҳа, тўғри. 2024 йилнинг 1 сентябр ойдан нефть, газ ва газ конденсатини казиб олиш ва қайта ишлаш учун лицензия олишда кўрсатилмаган технологик жараёнлар ва технологик ускуналарнинг ҳолати техник жиҳатдан тартибга солиниши белгиланди. Шунингдек, техник шартлар ва лицензия факат Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Энергетика вазирлигининг тақдимномасига кўра берилмаган бўлди.

my.gov.uz

? — Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб тавсиянома олганларга қандай имтиёзлар берилади ва у қанча муддат амал қилади?
Шахриёр Юсупов, абитуриент

— Бундай тавсияномага эга бўлган фуқаролар республиканинг олий ҳарбий таълим муассасаларидаги тегишли таълим йўналишларига ўқишга киришда тўплаган балларининг 50 фоизи миқдорига қўшимча балл ҳамда бошқа ОТМлар бакалавриатига алоҳида қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу тавсиянома 3 йил муддат давомида амал қилади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ахборот хизмати

Ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб тополмаясизми? Бизнинг қуйидаги телеграм манзилимизга йулланг. Мутахассислар саволларингизга жавоб беришади.

90 **245-18-10**

Бир чимдим қулги

Ишга киришдан олдинги суҳбатдан:
— Ижобий ҳислатларингиз?
— Катъиятлилик!
— Майли бораверинг. Ўзимиз сиз билан боғланамиз!
— Раҳмат. Шу ерда кутиб тураман...

Эр хотинига кўнғирок қилибди:
— Хотин, каерларда бўлишни оруз қилар эдинг?
Денгиз бўйидами ёки баҳаво ўрмонзорлардами?
Кувончи ичига сизмаган хотини жавоб берибди:

— Албатта денгиз бўйида, дадаси! Саёҳатга йўланма олясизми?
— Йўғ-э, «освежитель» танляпман.

Хўроз сигирга ҳазиллашибди:
— Эртага икки баравар сут бермасанг, эгамиз сени сўйиб юбораркан!
Сигир кўрканидан эртасига икки пакир сут берибди.
Буни кўриб эгаси хурсанд бўлиб: «Кўз тегмасин бир кон чикарворай», — деб хўрозни сўйворибди.



СУДОКУ

6				7	9	
	1	6			8	
	2	1		3	5	
9	7				2	
		8		3	1	
		3				4
	1	2	5	3	8	7
	9					
			7			2

Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

Kun	Harorat	Tavsif	Yog'in-garchilik
Chorshanba 17 iyul	+38° +26°	ochiq havo	0%
Payshanba 18 iyul	+37° +26°	ochiq havo	0%
Juma 19 iyul	+37° +27°	bulutli	0%
Shanba 20 iyul	+36° +26°	ochiq havo	0%
Yakshanba 21 iyul	+37° +25°	ochiq havo	0%
Dushanba 22 iyul	+38° +25°	bulutli	0%
Seshanba 23 iyul	+40° +24°	ochiq havo	0%

«MILLIY TIKLANISH» DEMOKRATIK PARTIYASINING IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

JAMOATCHILIK KENGASHI:
Alisher QODIROV – kengash raisi

Akmal SAIDOV, Abror PO'LATOV, Amriddin BERDIMURODOV, Akmal JUMABOYEV, Bahodir MAMATXONOV, Ilhom ABDULLAYEV, Ibrohim G'OFUROV, Iroda DADAJONOVA, Minhojiddin MIRZO, Nuriyman ABULXASAN,

Odiljon TOJIYEV, Olim O'SAROV, Otabek JIYANBOYEV, Ozodbek NAZARBEKOV, Ortiqali QOZOQOV, To'loqin TESHABOYEV, Feruza MUHAMMEDJANOVA, Xurshid DO'STMUHAMMAD, Sherzodxon QUDRATXO'JA, Shuxratjon AXUNDJANOV.

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Uchtepa tumani, Maqsud Shayxozoda ko'chasi, 1 A-uy. Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.

Gazetada Internet ma'lumotlari va suratlaridan foydalanildi.

Tahririyatga kelgan xatlar doimiy e'tiborimizda bo'lib, ular mualliflariga qaytarilmaydi.

NAVBATCHI MUHARRIRLAR:
Abdug'afor OMONBOYEV, Mahbuba KARIMOVA
NASHR UCHUN MAS'UL:
Ma'murjon YO'LDOSHEV
NAVBATCHI:
Feruza XODJAYEVA
DIZAYN GURUHI:
Asilbek QUDRATOV, Firdavs HAMIDULLAYEV

Gazeta «Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi.
Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

2008-yil 29-oktabrda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan № 0223 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.
Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.

Adadi – 5 063.
Gazetaning bahosi kelishilgan narxda.
Qog'oz bichimi: 350x587. Hajmi: 4 bosma taboq
Buyurtma: G – 721
Bosishga topshirish vaqti 21:00.
Topshirildi 03:20

Elektron pochta:
mtiklanish@bk.uz / mtiklanish@mail.ru

Telefonlar:
(97) 755-10-11, +998 97 423 32 88

ISSN 2010-7714
123456